
ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Маълумки, 2020 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-658-сон Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг мақсади долзарб, ишончли ва жамият учун муҳим бўлган ахборотни эркин тарқатиш жараёнларига кўмак берадиган амалий ҳуқуқий механизмларни яратиш, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ҳамда журналистларнинг профессионал фаолиятининг ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ҳимоясини таъминлаш, миллий ахборот макони ҳамда ҳуқуқ тартибот асослари хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Ушбу Қонун билан ёлғон ахборотни тарқатганлик учун юридик жавобгарлик чораларининг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларининг ҳимояланиши, коммуникация тизимига долзарб ва ишончли ахборотларнинг киритилиши, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигининг таъминланишига кўмак беради.

Ўринда янги қабул қилинган Қонуннинг эътибор молик жиҳати шундаки, Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчага кўра шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет тармоғида тарқатиш БҲМнинг 50 баравари (11 млн 150 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Агар тарқатилган ёлғон ахборот жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солса уни тарқатган шахс БҲМнинг 100 бараваригача (22 млн 300 минг сўм) миқдорда жаримага тортилиши мумкин.

Жиноят кодексига киритилган қўшимчага кўра, ёлғон ахборот тарқатганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс ушбу ҳуқуқбузарликка такроран йўл қўйса, БҲМнинг 400 бараваригача (89 млн 200 минг сўм) миқдорда жаримага тортилиши ёки уч йилгача озодликни чеклаш жазоси билан жазоланиши мумкин.

Зўравонликни тарғиб қилувчи маҳсулотни Интернетда тарқатганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Қонун билан Жиноят кодексига киритилган ўзгатиришга кўра, эндиликда порнографик маҳсулотни ҳамда зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет тармоғида тарқатганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланди (илгари ушбу маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш учун жавобгарлик белгиланган эди).

Шунингдек, оғирлаштирувчи ҳолатларда тўхмат ва ҳақорат қилганлик /ўчун озодликдан маҳрум қилиш жазоси бекор қилинди.

Эндиликда:

- тухмат жиноятини содир этганлик учун (139-модда, 3-қисм) БҲМнинг 500 бараваригача (111 млн 500 минг сўм) миқдорида жаримадан 3 йилгача озодликни чеклаш (илгари 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган);
- ҳақорат қилиш жиноятини содир этганлик учун (140-модда, 3-қисм) БҲМнинг 600 бараваригача (133 млн 800 минг сўм) миқдорда жаримадан 1 йилгача озодликни чеклаш жазоси қўлланилиши белгиланди (илгари 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган).

Таъкидлаш жоизки, тухмат ва ҳақорат ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар таркибига нисбатан енгиллаштириш чоралари жамиятда очиқлик даражасини ошириб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичларининг кўтарилишига ёрдам беради.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-658-сон Қонуни расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Азизбек Эргашев

Ўзбекистон тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

2021-01-25 15:21:34